

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 9118,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 2,4 % га ўсди.

2018 йилнинг январь-июнь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 2440,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,3 % га юқоридир.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Самарқанд вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,0 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2017 йил январь-июнга нисбатан % да
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	
I. ЯҲМ	7433,2	9118,3	102,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7272,7	8871,8	102,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	160,5	246,5	103,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7272,7	8871,8	102,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1675,1	2201,2	100,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2103,0	2519,5	102,2
саноат	1548,1	1825,0	99,8
қурилиш	554,9	694,5	109,0
Хизматлар	3494,6	4151,1	103,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	774,6	940,6	102,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	838,8	919,2	107,5
бошқа хизмат тармоқлари	1881,2	2291,3	102,1

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,5 %, (ЯХМ таркибидаги улуши – 24,8 %), маҳсулотларга соф солиқлар – 103,8 % (2,7 %), қурилиш – 109,0 % (7,8 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,0 % (10,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,5 % (10,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 102,1 % (25,8 %) ни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-июнида ЯХМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,3 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 2,7 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,5 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 24,8 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,2 % пунктга ўсди ва 28,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-июнида 46,8 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июни (48,1 %) билан таққосланганда 1,3 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,6 % ни (2017 й. – 10,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 11,5 % ни (14,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 25,8 % ни (25,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017й январь-июнь



2018й январь-июнь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси.
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Ш.Тошпўлатов
(71) 230-85-19